

МАЪРИФАТ

Ma'rifat

ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 26 октябрь, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 85 (7488)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИНИ ТУЗИШ ТҮГРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш давлат дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг фоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш максадида:

1. Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташқилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлини сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш түгрисидаги таклифлари қабул килинсин.

Белгилаб қўйилсанки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан хорижий ташқилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти хисобланади.

2. Куйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ максад кўйлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

болалардаги спортта меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгига спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан химоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун гурурифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

бираини навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт усунашлари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самараҳи фойдаланишини таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тибиёт мусассасалари ва ташқилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

худуд аҳолисининг зичлигини, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган на-мунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиша кўмаклашиш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болалар-

га спорт кўнижмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларида машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқиши ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида республика Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи башқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш.

3. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларида Жамғарма бўйимларини очиш максадга мувофиқ деб топилсин.

4. Куйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;

Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган бегарас ёрдам;

хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятидан, шунингдек, Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш максадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:

ташқи иқтиносидан спортини ривожлантириш жамғармаси:

унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни, божхона тўловлари божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йигимлар бундан мустасно, ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигимларни тўлашдан озод қилинади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек, жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзидан Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиқка тортиш базасидан чиқарилади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-восита чиликни фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.

6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларни Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига кенг миқёсда кўмаклашиб, ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

7. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлашга ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари беришга номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Васийлик кенгашининг фикри ҳал қилувчи деб ҳисобланисин.

8. Ўзбекистон матбуот ва аҳборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги, бошқа оммавий аҳборот воитлари Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб, мамлакатда болалар-ўсмирлар оммавий спортини ривожлантириш ишидаги ижобий тажрибани тарғиб қўлсинлар, шунингдек, Жамғарманинг фаол ҳомийлари аҳборот жиҳатдан кўллаб-куватланишини, шу жумладан реклама қилинишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси иккى ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш түгрисида қарор қабул килсин.

И.КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар
вазирлигининг Москвада
содир этилган
террорчилик ҳаракати
муносабати билан
баёноти

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида тинч аҳоли орасидан бир неча юз нафар киши гаровда ушлаб турдигани түгрисидаги хабар Ўзбекистонда чукур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай террорчилик ҳаракатини кескин қоралайди. Террорчилик амаллари ва қўрқитиш йўли билан муайян мақсадларга эришиш ёки вужудга келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган уринишлар мутлақо номақбулдир.

Ўзбекистон вужудга келган танглик соғлом фикр асносида бартараф этилиши ва гаровда сақланадаётган инсонлар ҳаёти сақлаб қолинишига умид билдиради.

Москвадаги рўй берадиган воқеалар нафақат МДҲ мамлакатларидаги, Россиядаги, балки бутун дунёдаги одамларни ташвишга солмоқда. Москва марказидаги Маданият уйида бир гурӯҳ террорчилар юзлаб бегуноҳ одамларни гаровда ушлаб турибди. Москвадаги воқеалар — халқаро террорчилик фаоллашганинг янга бир кўринишидир. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган портлашлар, одамларни гаровга олишлар, қотилликлар шундан далолат бермоқда.

Улар қўпорувчи, экстремистик кучларнинг одамлар орасидаги қўркув ва вахимани кучайтириш, муайян мамлакатлар ва бутун минтақаларда ижтимоий-сийёсий вазиятни издан чиқариши, узоқни кўзлаган жинонӣ режаларига эришиш ва бу йўлда тинч аҳоли орасидаги ҳар қандай қурбонлардан қайтаслиларни уринишлари билан узвий боғлиқ.

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида йиғилиш бўлиб ўтди. Унга барча ҳарбийлашган тузилмалар, шунингдек, аҳоли тинчлиги, осоишталиги ва хавфсизлиги учун бевосита масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари таклиф этилди. Йиғилишда мамлакатимизда жамоат хавфзизлигини таъминлаш масалалари бўйича қилинган ҳукумат ҳужжатлари ва Президент қарорларининг ижроси билан боғлиқ масалалар мухкама этилди.

(Давоми 2-бетда)

ДАРСЛИК
ЯРАТИШДА ЯНГИ
ОДИМЛАР

2-бет

“ЎҚИГАНЛАР
НИМАГА
ЭРИШАДИЛAR?”

3-бет

ТАСВИРДАГИ
МЎЖИЗА

5-бет

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ
ТАСИРИГА
ЧИЗГИЛАР

7-бет

КИТОБ
МАРАФОНИ

8-бет

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билин баёноти

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ийилишда барқарор вазият ва одамлар тинчлигини бузишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда террорчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида хукуқ-тартибот идоралари ва ҳарбийлашган тузилмаларнинг профилактика ишларини кучайтириши лозим бўлган аниқ участкалари белгиланди.

(ЎЗА).

АЛОҲИДА-АЛОҲИДА ЭМАС, БАҲАМЖИҲАТЛИКДА КУРАШМОҚ КЕРАК

Ўзбекистон халқи терроризмнинг нималигини англаб етган халқ. Негаки, 16 февраль воқеалари, Сурхондарё ва Тошкент вилоятida рўй берган террор хуружлари унинг манфур юзини, хиссона мақсадларини очиб ташлади.

Юртбошимиз нуғузли минбарларда туриб, дунёга қаратса ушбу бало-қазонинг нафақат юртимиз, балки барча тинчликпарвар, тараққийларвар мамлакатлар учун ҳам оғат келтиришини қайта-қайта тақорорлаб келмоқда. Россия пойтахтида юз берган яна бир манфур хуруж терроризмнинг нақадар хавфли эканлигини, унга қарши алоҳида-алоҳида эмас, бутун дунё аҳли баҳамжиҳатлика, мурасасиз курашиши кераклигини кўрсатди.

Озод ва обод Ватанда яшашиб, тинч ва фаровон умр кечириш ҳар бир инсоннинг орзуви. Тенглар ичра тенг, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият куриш ниятида яшаётган, меҳнат ва ижод қиласётган, яратувчилик foяси билан нафас олаётган ўзбекистонликлар ва айниқса, биз — ўқитувчилар фарзандларимиз онгига терроризм, экстремизм нима эканлигини, унга қарши курашиш зарурлигини, ҳушёрлик доимий йўлдошимиз бўлиши кераклигини мактаб партасида ёқ сингдирив боришимиз лозим. Юксак маънавиятли ва маърифатли, имони бут, эътиқодли шахслар терроризмдан нафратланиши, ёшлиқданоқ эътиқодли шахс бўлиб етишишига интилиш кераклигини ўқтиришимиз зарур.

Тилла НОРМУРОДОВ,
Кумкўргон туманинага 18-иҳтинослашган
мактаб-интернат директори

Munosabat

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Америка Кўшма Штатларида юз берган террорчилик хуружи бутун дунё ҳалқини унинг даҳшатли фожеаларидан огоҳ, этган эди. Энг аянчлиси шундаки, бугунги кунда ҳалқаро террорчилик марказий тузилмаларини йўқ қилишга қарши жиддий жазо чора-тадбирлари кўриши реожалаштирилмоқда.

Турли давлатларда содир этилаётган кўнгилсиз ҳодисалар ҳар бир юртдошимиз учун сабоқ вазифасини ўташи лозим. Шундай воқеалар мамлакатимизда тақорорланмаслиги учун ҳар биримиздан янада ҳушёрлик, огоҳлик талаб этилади. Ўқув юртимизда, маҳалламизда, кўчак-кўйда содир бўлаётган ҳар бир ҳодисага беътибор бўлмаслигимиз лозим. Республикаимиз Ташқи ишлар вазирлигининг Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан берган баёнотида яна бир бор таъкидланган “Ўз уйингни ўзинг асра!” деган даъват бутунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётий шиоримизга айланиши керак.

Нодир ХОТАМОВ,
Тошкент давлат юридик
инstituti I курс толиби

Дарслик — ўкувчини фан оламининг каашф этилмаган мансиллари томон бошловчи ҳамроҳ. Унинг чин дўстига айланган ўкувчи ана шу сирли дунёда учрайдиган турли тусикларни енгил ўтиши, шубҳасиз. Дўстинг, мешақатли йўлдoshiнг қанчалик сенга содик бўлса, мушкулинг осон ҳал бўлгани каби ўкувчи қўлидаги дарсликнинг қанчалик мукаммал бўлиши ундан ўкувчининг фан сир-синоатларини ўрганиши шу қадар енгил кечади. Шу маънода оладиган бўлсак, бугунги кунда республика Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларнинг янги авлодиди яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бежиз эмас. Бу борада чет эллик мутахассисларнинг жалб этилиши, ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга кўйилиши эътиборга лойик. Ана шундай ҳамкорлик ало-

Ma'rifat**Xalqaro hamkorlik**

ДАРСЛИК ЯРАТИШДА ЯНГИ ОДИМЛАР

каларининг самараси ўларок, юртимиздаги Франция элчинонаси нинг “Тил ва таълим ҳамкорлиги” бўлими билан олиб борилган изланишлар натижасида жорий ўкув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 5, 6, 7-синф ўкувчилари учун француз тили дарсликлари нашрдан чиқди.

Республика Ҳалқ таълими вазирлигига дарсликларнинг чоп этилиши муносабати билан Франция Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жак Андре Кости Республика ҳалқ таълими вазири Р.Жўраев иштирокида тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Рисбой Жўраев элчи жанобларига янги нашрдан чиқсан француз тили дарсликларини тақдим этар экан, икки давлат ўртасидаги таълим тизими ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изланишлар бун-

дан кейин ҳам давом этишига ишонч билдири.

Дарсликлар, — деди Р.Жўраев, — ўкувчи билимининг узлукисиз, муттасил ўсиб боришини таъминлайди. Шундай экан, уларнинг мукаммал бўлиши жуда муҳим. Бугун ҳамкорликда олиб борилган изланишлар боис 5-, 6-, 7-синф ўкувчиларимиз дарсликлар билан таъминланидаги бўлди. Галдаги вазифамиз эса умумий ўрта таълим мактабларининг қолган юкори синф ва академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўкувчилари учун ҳам дарсликлар яратишидир. Демак, ҳамкорлигимиз давом этавради.

Ўз ўрнида сўз олган Франция Республикасининг элчиси республикамиз таълим тизимида испоҳтотлар, эришилайдиган ютуқларга тўхталиб, юртимизда дарсликларнинг танлов асосида яратилаётганлигига юкори баҳо берди.

— Юрт таракқиёти, — деди элчи, — дарсликлар мукаммаллигидан бошланади. Зоро, ўкувчи қанчалик теран билим эгалласа, унинг тафаккур дунёси шунча бой бўлади.

Таълим дарсликлардан бошланади. Юртимизда эса бу борада залворли қадамлар ташланмоқда. Эътиборлиси, ўтказилган самимий учрашув чоғида яратилган дарсликлар учун аудио кассеталар тайёрлаш, 8-9-синфлар учун ҳам дарсликлар ва ўқитувчиларимизнинг янги яратилган ўкув кўлланмалари билан ишлашга кўмаклашувчи методик кўлланмалар яратиш, маҳаллий мутахассислар билан илмий-худудий семинарлар ташкил этиш каби бир қатор янги ҳамкорлик режалари белгилаб олини.

Б.ЖОВЛИЕВ,
“Ma'rifat” мухбири
Суратда: тақдимотдан
лавҳа.

ФАРМАЦИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ТАРАҚКИЁТ ЙУЛИ

Марказий Осиёда ягона Тошкент фармацевтика институти юбилей муносабати билан ўкув даргоҳида “Фармацияда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Таъдирда республикамиз соғлини сақлаш тизими муассасалари, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ва унинг тузилмалари, “Дори-дармон” акциядорлик уюшмаси ва унинг бўлимлари вакиллари, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олий ўкув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар жамоаси иштирок этди.

Тошкент фармацевтика институти нафакат Марказий Осиёда ягона институт, балки, бутун Ўрта Осиё минтақасида фармация саноатини ривожлантиришга муҳим хисса кўшайтган муассасалардан бирни саналади, — деди республика соғлини сақлаш вазири, профессор Феруз Назиров. — Сўнгги йилларда фармацевтика таълимини ислоҳ қилиш борасида институтда ижобий ўзгаришларга эришилди. Жўмладан, янги таълим стандартлари ишлаб чиқилди, янги факультетлар ташкил қилинди, замонавий ўкув адабиётлари яратилди, шунингдек, илмий тадқиқот изланишлари амалий тиббийта гамарали татбик килинмоқда. Унафақат янги дори воситаларини яратишига, балки, янги замонавий технологиялар яратиш ва шундай ускуналарда ишлаш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш борасида ҳам катта ишларни алмага оширмоқда. Бир сўз билан айтсанда, фармацевтика институти амалий фармациянинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берувчи кадрларни тай-

Anjuman

ерлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни олиб бормоқда.

— “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни кадрлар бобида ва ўз салоҳиятини юксалтиришада асосан институтга таянади ва ундан кўп нарсаларни кутиди. Концерннинг кун сайнин такомиллашиб бораётгани, ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатдан юқсаклишида, аҳолини ҳаёт учун зарур бўлган дори воситалари билан таъминлашада, маҳаллий хом-ашёларни дори ишлаб чиқаришга жалб этишида институт асосини таянч бўлиб хизмат қилимокда. Юбилей йилида институт таркибида “Саноат фармацияси” факультетининг очилиши, “Дори во-ситаларини стандартлаш” илмий маркази ташкил қилингандиги буниг ёрқин мисолиди — дея таъкидлади “Ўзфармсаноат” концерн радио Кобил Шодиев.

Байрам тадбирида иштирок этган кўплаб ташкилот ва муассасалар раҳбарлари институт жамоаси номига илиқ сўзларни айтдилар. Жумладан, Сеченов номидаги Россия тиббиёт академияси вакиллари, Козогистон ва Киргизистон тиббиёт олий ўкув юртлари ректорлари, ҳамда республикамиздаги тиббиёт олий ўкув муассасалари раҳбарлари ҳам институт жамоасини 65 йиллик юбилей билан самимий кутладилар ва ўз эсадлик совғаларини топширдилар.

Маросимнинг байрам кисми якунланган, илмий-амалий конференция ўз ишини давом эттириди.

Мұхаммаджон ИСРОИЛОВ,
“Ma'rifat” мухбири

“БЕШИКДАНОҚ СИНГГАН ЖОНУ ҚУЛОҚҚА”

Tadbir

Пойтахтимиздаги Юсуф Мўминов номидаги 274-мактабда “Бешикданоқ сингган жону қулоққа” номли тадбир бўлиб ўтди. Унда филология фанлари доктори, профессорлар — Собир Мир-

валиев, Равшан Расулов ва ЎзМУ доценти Абдуровиз Рагиевлар иштирок этиб, тил — миллат кўзгуси эканлиги, русча-ўзбекча сўзларни аралаشتариб ишлатмаслик, нутқ маданиятига эътибор валида сўзладилар.

Шунингдек, тадбирда “Она тилим — фахрим менинг” номли мусиқали композиция ҳам кўнгилдагидек ўтди.

Хилола ФАЙЗУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги, давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиши ўқитувчиларнинг зукколигию мохирона ўқитишига боғлиқ. Муҳими, ўқувчилар қизиқишини орттира билган ўқитувчи ёки жамоагина муваффакиятга эришади. 4-умумий ўрта таълим мактаби директори Муҳаммаджон Аҳмедов билан таълим сифатини ошириш, ўқувчиларда фан кўнималарини шакллантириш борасида сухбатлашиб ўтирас эканмиз, фикримизни хонага кириб келган бир аёл тортид.

Аёл нимадандир безовта эди ва оҳиста стулга ўтириб:

— Чакирирган экансиз? — дейа директорга юзланди.

— Ха, чакирирган эдим, — деди директор. — Учинчи маротаба уйингизга одам юбордим. Яна ўша масала. Ўғлингиз мактабга келиши керак. Қонунни бажаришимиз зарур. Агарда бирон бир ўрта маҳсус таълим муассасасида ўқимаса, унда мактабнинг 10-синфида ўқиши лозим. Ҳозир эса ўқув йилининг 1-чораги ўтиб боряптики, ўғлингиз ҳеч қаерда ўқиётгани ўйк, шундайми?

— Ўғлим Самарқандга кетган, — дейа йиглай бошлади ҳалиги аёл. — Нима қилай, ўқиши хоҳламаяпти. Отасига бир оғиз койиб кўйинг десам, парвойи палак. “Ишласин”, дейди. Икки нафар ўғлимнинг яхши одам бўлишини истайман. Аёл ҳолим билан гапимни ўтказа олмаяпман.

— Нега энди ўз ўғлингизга гапингизни ўтказолмайсиз?! Бу ёғи қизиқ-ку! Ота-оналиларини ўринларингиз қаерда қолди!? Шу гапни ўйлаб айтапсизми?

— Таълим тўғрисида”ги қонун талабини қайта-қайта тушунтириб, ўқтиряпмиз. Мажбурий таълим олиши зарурлигини айтапмиз, — дейди мактаб раҳбари сўзида давом этиб. — Бошқа гапим йўй, ўғлингиз мактабга келиши керак. Акс ҳолда бу масала юзасидан тегишли юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбурман. Менинг аҳволимни ҳам тушунинг.

Дарвоқе, бугунги кунда республика, вилоят, туман мактабларида 9-синфи таъмомлаган ўқувчиларни 10-синфа тортиси масаласи долзарб муаммо бўлиб қолаяпти. Кейинги вақтларда қандайдир сабаблар билан айрим ўқувчилар мактабга боришидан бўйин товлаётганиллари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Муаммонинг ечимини топиш, олдини олиш борасида мактаб раҳбарлари, ҳалқ таълимни бўлими, методика кабинети, услубчилар, давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими (ДТСМБ), “Ташхис маркази” мутасаддилари зарур чора-тадбирларни кўриб боряптилар. Бажарилаётган ишлар самараси етарли натижани бермаётгани кўп сонли маорифчиларни қийиляпти.

Хўш, бу борада маҳалла фуқаролари йиғини, мактаб ота-оналар қўмитаси, ички ишлар бўлими қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг таъсири қандай бўляяпти? Олиб

борилаётгандирлар хуласаси нимани бермоқда? Саволларга жавоб топиш учун мутасаддиларга мурожаат этдик.

Жўрахон Тожихонов, Паркент тумани ҳалқ таълими бўлими “Ташхис маркази” раҳбари:

— Туман ҳалқ таълими бўлими тасарруфида 43 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд. Шунинг биттаси бошланғич таълим мактаби, 9 таси 9 йиллик мактаб ҳамда 33 таси умумий ўрта таълим мактаблари ҳисобланади. Ўтган 2001 - 2002 ўқув йилида 42 та умумий ўрта таълим

республикамизнинг турли лицеи, коллекларида таҳсил олаёттир. Аммо 10 нафар ўқувчимни ҳамон мактабга жалб этолмаяпман.

— Менинг 9-“В” синфидан 5 нафар ўқувчи 10-синфа келмаяпти, — сухбатга қўшилди Асқар Икромов. — Ота-оналарига бир неча мактаба айтдик. Улар фарзандларимиз ишлайпти, деган баҳонани кўрсатишмокда. Болалари ўрта маълумот олишлари шартлигини қанча тушунтиромайлик, барибир, наф чиқмаяпти. Яна бошқа томони бор. Мактабга келмайтган ўқувчилар айнан

лиф қилдик. Рози бўлди.

Ўғлингиз Беҳзод 10-синфда ўқишига бормайтган экан. Бунинг сабаби нимада? — деб берган саволимизга Ҳолида Эркабоева шундай жавоб берди:

— Мактабдан биронта ўқитувчи “Ўғлингиз ўқишига борсинг”, деб келмаган. Адаси ўғлимнинг хунар эгаллашини истаяпти. Жуда бўш ўқиёдиди. Умрини бекор ўтказмасин, деяпмиз-да. Мактабда иккита 10-синф очиларни, унга болаларни танлаб олармиш, табақалаштириб ўқитилар экан, деган гапларни эшитгандик. Ҳозир пахта

баъзи бир ўқитувчиларнинг ножӯя хатти-ҳаракатлари, дарс ўтиш жараёнлари борасида фикр билдириб (факат ҳеч кимга айтмаслик шарти билан) кўнгиллари тўлмаслигини баён қилишди. Энг ёмони, ўқитувчилар орасида ўқувчини “ажратиш” деган хунук одатлар борлигини қоралашиди.

Албатта, бундай арзимас бўлиб кўринган хатоликлар ёшлар қалбини яраламайди, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишиларини сусайтиромайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Буни катталар тушунлари шарт.

Дарвоқе, тумандаги 10-мактабда бугунги кунда 1283 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Уларга 170 нафарга яқин педагог фан сирларини ўргатмоқда. Қалб қўрини мактаб ҳаётига, ўқувчи камолига бахшида қилган устозлар бу ерда анчагина.

Юқоридагидек ҳолатлар биргина тилга олинаётган мактабимизда эмас, балки 4-, 8-, 16-, 19-, 22-умумий ўрта таълим мактабларида ҳам оғир ахволда эканлигидан хабаримиз бор. Мақоламизда уларни танқид қилиш фикридан йироқдамиз. Бу муаммо республикамизнинг бошқа умумтаълим мактабларида ҳам ҳал қилинишини кутмоқда. Таълим-тарбия факат ўқитувчилар зиммасига юк бўлаётганидан таажжуддамиз. Таълим соҳасига алоқадор бўлган ташкилотлар томошабин бўлиб турмасликларини хоҳлардик.

Кузатишларимиздан ойдинлашадики, хурматли ота-оналаримиз ўз фарзандлари тақдирига бефарқ бўлиб қолаётганиллари аянчлидир. “Ўқиб тог ундириб берармидинг” дегувчи ота-оналар калта, саёз фикрлаб қолмаяптилармикан?! Сабаби, улар болаларининг тарбияси, билими, ўй-дардлари билан асло қизиқмай қўйганлар.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунинг З0-моддасидаги “Ота-оналар ва қонуний вакиллар олдиригани мажбуриятлар”ни ота-оналаримизга яна бир карра эслатиб ўтмокчи эдик: “Вояга етмаган болаларнинг, ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳукуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни олишлари учун жавобгардирлар”.

Қонунга риоя этиш, хурмат қилиш, бўйсуниш, барчага баробар. Республика хукумати томонидан ёш авлоднинг эмин-эркин ўсиб-улғайиши, камол топиши борасида тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шундай экан, қандайдир ўткинчи фикрлар туғайли ёшларимиз онгидаги бўшлиқ ҳосил бўлишига асло йўл қўймаслигимиз даркор. Ўз фарзандларининг иқболи, порлоқ келажаги учун барча бирдек қайғуриши шарт. Умид қиламизки, республикада муаммо бўлиб турган бу масалалар тез фурсатда ўз ечимини топади.

Абдузухур ҚОРАБОЕВ,
Паркент тумани
ХТБ ДТСМБ назоратчisi

“ЎҚИГАНЛАР НИМАГА ЭРИШАЯПТИ?”

Ўқувчиларни 10-синфга тортиси муаммоларини ҳал этишда айрим ота-оналарнинг ушбу нотўғри тушунчаси асосий тўсик бўлмоқда

мактабидан жами 2840 нафар ўқувчи 9-синфи тамомлаб чиқди. Кадрлар тайёрлашмиллий дастурига биноан, ўқувчилар умумий таълим олганларидан сўнг, узлуксиз таълимнинг кейинги тури, яъни ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини олишлари учун шароит ҳали етарли бўлмаганлиги боис (чунки янги тизимга босқичма-босқич ўтилади) 2002-2003 ўқув йилида 2375 нафар ўқувчини 10-синфа тортиси режалаштирилган эди. Мактаб раҳбарларининг 1-5 сентябрь ҳолатига кўра берган маълумотларига қараганда, мактабаримизда 2186 нафар ўқувчи 10-синфда ўқияпти. 259 нафар ўқувчи турли лицеи ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаяпти. Бироқ, 206 нафар ўғил-қиз ҳеч қаерда ўқимай юрганлиги маълум бўлди.

206 нафар ўқувчи мактабга бормаяпти. Улардаги мактабга бориши истагининг сўнишига сабаб нима? Уларни 10-синфга тортиси масаласи қандай ҳал этияпти? Савол кетидан саволлар... Масаланинг мөҳиятини топиш учун мактаб, маҳалла, оила “занжири”га мурожаат этамиз.

10-умумий ўрта таълим мактаби тумандаги энг сара ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. Замонавий бинода жойлашган мактабга шу худуддаги маҳаллаларининг болалари қатнаб ўқиёдиди. 2001-2002 ўқув йилида бешта 9-синфда 177 нафар ўқувчи мактабни туталаган эди.

Ўтган ўқув йилида 37 нафар ўқувчим тамомлади, — дейди 9-“А” синф раҳбари Кўшоқвой Махкамов. — Бугунги кунда уларнинг 20 нафари 10-синфда ўқишини давом эттияпти. 7 нафари

паст, бўш ўзлаштирувчи ўғил-қизларни ташкил этади. Бола — у қизми, ўғилми, бўш ўқиши мумкин. Бироқ, уларнинг келажакда ўз йўлларини топиб кетишларига мактабда имкон бор-ку. Нахотки, буни ота-оналаримиз тушунишни хоҳлашмаса!? Ажабланарлиси, ўқиши мөйил бўлган болаларига ҳам ота-оналарнинг қаршилик кўрсатаётган ҳоллари учраб турибди.

Ҳақиқатдан ҳам, мактаб маъмурияти ҳар ўқув йили бошланишидан аввал 12 та микроучасткага бириктирилган ўқитувчилар орқали аниқлов ишларини олиб боришиди. Тушунтиришади. Шунга қарамай, ахвол то пахта мавсуми ўтганича ўзгармайди. Учрашув, мулоқотлар жараёнида, амин бўлдикки, кўп муаммолар ота-оналар томонидан юзага чиқаётган экан. Бу йўринда мактаб ота-оналар қўмитасини сизилмайти. Маҳалла фуқаролар йиғининг эса кам. Ички ишлар бўлими вакиллари “таклиф” ёки “ариза”ни кутиб ўтиришибди.

Шахсан бу масала бўйича хабарим йўқ, — дейди “Наврўз” номли 13-маҳалла қўмитаси раиси Ислом Ортиқматов. — Мактаб маъмурияти ўқитувчиларни 10-синфга тортиси масаласида бизга мурожаат қилмаган. Шундай бўлса-да, июль оидан бошлаб тарбиячи-педагогимиз Зокир Икромовга топшириқ берганимиз. Ҳозир у киши шу масаласи билан шуғулланаяпти. Маҳалламизда 522 та хона-дон бўлиб, 3900 нафар аҳоли ўтишибди. Ота-оналар билан ишлашни қатъий тартибига соламиз, деган умиддаман.

И.Ортиқматовга биз билан хонадон соҳиблари хузурига бориб, сухбатлашишни так-

мавсуми бошланган. Баъзи ота-оналар қатори боламишини теримга юборишига имконимиз ўйк.

— Менинг ўғлим пиёз “наём”га кетган, — дейди М.Захбаров. — Ҳозирда ўқувчиларни пахта йигим-теримига олиб кетишган. Ўғлимни эса пахта теримига юборолмайман. Пахта мавсуми тугасин, мактабда ҳам ҳал қилинишини кутмоқда. Таълим-тарбия факат ўқитувчилар зиммасига юк бўлаётганидан таажжуддамиз. Таълим соҳасига алоқадор бўлган ташкилотлар томошабин бўлиб турмасликларини хоҳлардик.

— Биз ўқиган даврда ўқувчи билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди, — сухбатга қўшилди Муқаддас Ниёзова. — Қизим Сайёрани Тошкент шаҳридаги тиббиёт техникимiga ўқишига кўймоқчи эдик. Ўқиш учун контракт пулини тўлолмадик. Ҳафсаласи пир бўлган қизим мактабга ҳам бормай қўйди.

— 6 нафар фарзандим бор, — хуноби ошиб тутоқди Ҳикмат Абдуллаев. — Аёлим уй бекаси. Катта фарзандимни ўқитиб, туман меҳнат биржасига қатнаб ҳам ишга жойлаштиромадим. Мактабда ўқиб юрган вақтида бетоб эди. Врачлар кўра-била туриб ВКК маълумтономасини беришмади. Соппа-соғ болаларга эса беришди. Майли, дедим. Юртга хизмат — яхши одат. 43 кун пахта теримига юбордим. Бор-йўғи 450 сўм пул олиди. Суриштирасак, ҳали пардага яна у-буға “ушлаб” қолишибди. Ўқувчидан “йиғ-йиғ”лари жонга тегди-ку. Нибуфар қизимни ўқитишни хоҳлайман. Аммо юқоридаги ҳолатларни ким кўриб, текшириб, чора кўради.

Мактабга ўқишига бормай юрган бир гурух ўқувчиларнинг ўзлари билан юзма-юз сухбат куриб, дардларини эшитди. Улар ёш бўлса-да, ҳозир тил билан иш битира-диган ҳолатлар кўплигини,

Одамзотнинг бошқа мавжудоттардан фарқи шундаки, уйзининг интим хисларини мағфий тутади, бошқалар күзидан яширади. Инсонлар феълидаги уят, шарм-хаे, орномус каби хислатлар унинг ошкор этилишига йўл кўймайди. Шунинг учун ҳар бир одам ҳәтида, айниқса, балогат ёшига етган ўсмирлар учун жинсий ҳәёт ўта сирли бўйиб туялди. Зоро, оиласи муносабатларга Ер юзидағи ҳар бир миллат, ҳар бир ҳалқ ўзига хос услуг билан ўсиб келаётган ёш аводдин тайёрларди. Ўзбек ҳалқи хусусида қаерда ва қачон гап кетмасин, унинг болажонлиги, андишалиги, шарқона одоб соҳиблари эканлиги тилга олинади. Халқимизнинг бундай фазилатлари асрлар давомида шаклланни, урф одатга айланган. Биргина тўй ма-росимларига дикатимизни қаратадиган бўлсан, ўзбек хонадонидаги бирон-бир тўй кенгашисиз, маслаҳатсиз ўтмайди. Ҳатто, келин ва куёв танлашдан бошланадиган одатларимиз ҳам келажақдаги ёш оиласи тинч-тотувигини назарда тутади. Кимнинг фарзанди, ота-онаси қандай одамлар, маҳалла-кўйи обўруси қай даражада, қариндош-урулари қандай кишилар, авлод-аждодларида бирон андухлик аломуллари бўлганими, куёв ёки келин бўлмиснинг ёмон қуликлари, одатлари йўқми; касб-хунари бўлиб, мустақил оиласи тебрятли кетишга курби етадими ва ниҳоят, оиласи муносабатларга тайёрми, каби саволларга ижобий жавоб олингачигина, иккى томон ўз розилигини беради. Ана шундай орзули, муродбахш кунлар истагида ҳар бир ота-она ўғил-қизларига оила сирларини пинхона, гўзал тарзда етказишга ҳаракат қиласи. Лекин беш кўл баравар эмаслигини яхши биламиш.

Жамият ўз аъзоларининг ҳар бирдан фаолликни талаб қилаётган кунда айтиб ўтганимиз, оиласи сухбатлар камайиб бораётгандай гўё. Колаверса, ўшлар ўртасидаги “тезроқ” углайишга сабабчи бўлаётган миллий менталитетимиздан анча олис, турли хил порнографик нашрлар, видеотасвирлар ҳам отабоболаримизнинг мушшарат одоби дея атаглан мактабларининг илдини емираяпти, десак муболага бўлмайди. Ҳеч иккимасдан маънавий тазийклар қаторига киритадиганимиз ушбу жихат бойлик кетидан қуадиганларнинг бозорини ишғол этганлиги барчамизга маълум. Албатта, ушбу “кўча ахбороти” ўхуд “кўча тарбияси” дега аталаётган унсурлар ўсмирларнинг мактаб ва бошқа ўқув юртларидан бўшаган вақтларини самарашиб ўтказди. Натижা эса аён. Ўта жозибадор килиб кўрсатилган ҳаракатларни ҳамма нарсага эътиборли ёшдаги

балолар (!) тақорлашга интилади. Ушбу (!) тақидаимиз бежизга эмас. Чунки ҳали болалик ёшидан нарига ҳатламаганлар аллақачон балогат ёши тушунчаларига эга. Бирор бир масала юзасидан мушоҳада юритилаётганда ёки унга муносабат билдирилаётганда бир томонлама ёндашув холисликнинг йўқолишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам дунё тақрибасида синашта бўлган бир усулни келтириб ўтмоқчиман. Американинг айрим штатларида гиёхвандларнинг олдиналини олиши учун фуқароларни чеклаш ёки жазолаш ўргина, танлаш имконияти берилган. Яни, наркомоддалар истеммоли билан шугулланганлар жинойи жавобгарликка тортилмайди. Фақатгина, унинг аянчли “кудрати” тасвирилган турли хил

баҳосланади. Айтадиган бўлсан, EPOS дастури бўйича XTB билан ҳамкорлиқда ўкувчилар учун “Ўсмирлар олами”, ўқитувчи ва ота-оналар учун “Жинсий таълимот ва ёшларнинг репродуктив саломатлиги” мажмуалари тайёрланди. Бунда биз ўз таклифларимиз билан қатнашиб, айрим маълумотларни олиб ташлашиб ёки унинг ўрнини бошқача кераклилари билан тўлдиридик.

— **ХТВ, ССВ ва РТМ ҳамкорлигига юзага келган дастурларнинг ўкувчиларга ўргатилиш жараёни ҳақида нима дейсиз?**

— Хозирда 1–4-синфлар учун мўлжалланган “Саломатлик дарслари” “Одномона” дарслари таркибида, 5, 6, 7, 8-синфлар учун “Соғлом авлод асослари” дастури эса 17 соатлик машгулотлар тарзида, 9-

асослаб ўтказилгандагина, ўсмирикучага интилмайди, яни уйда ота-онасидан истихола қилиб, ўртоклари, дугонлари ёки атрофидаги “ақл ўргатидиганлар”дан эшитган гапларига кўр-кўрона, тушниб-тушунмасдан эргашиб кетмайди. Биз кўплаб социологик тадқиқотлар ўтказганимизда шунга амин бўлдикки, ўсмирларда “яширин” бўлган ҳаётини кизиқиши катта. Ҳатто улар орасида жинсий ҳаётнинг қандайлигини билиш учун оқибатини ўйламасдан, ҳаётда ўз ўйларини ўқотиб кўяётганлар жуда кўплаб топилади.

— **Демак, репродуктив саломатлик сирларини ўсмирларга ўргатишнинг аҳамияти катта экан-да?**

— Албатта, буни ҳар бир ўсмири билиши керак. Бундан анча йиллар олдин жинсий тарбия ҳақида гап очадиган бўлсан, ўкувчилар ер ёқда турсин, ўқитувчиларга хижолатдан ер қизишиарди. Ва кўчиллик оиласи тайёрлаш бўйича килаётган ишларимизга қарши чиқишган эди. Лекин шуни унумаслигимиз керакки, ёшларнинг ёмон йўлларга кириб кетиши, уларнинг “нозик дарслар”дан бехабарлиги, таниш-билишларнинг бу масалага қизиқтиришига ундвалири ва энг асосийси, оқибати қандалар аянчлигини тасавур қила олмаслигидан келиб чиқади. Шу ўринда айтиш керакки, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизда аёллар мавқеини ошириш, соглем авлодни тарбиялаш бўйича амалга ошириётган умумдавлат чора-тадбирлари ҳам репродуктив саломатлик сабоқларини маромимага етказиб олиб боришини талаб қилиди. Шундагина ижтимоий демографик вазият янада яхшилишига эришамиз, яни ҷақалоқлар ўлими, аёлларнинг яллиганиш касалликлари камаяди. Афуски, республикамиз минтақалари бўйича аҳолининг репродуктив саломатлик юзасидан кўрсаткичарининг таҳлили қилинаётган ишлар ҳоли етарили эмаслигини кўрсатади. Қоракалпакистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари, Бандиҳон, Бахмал, Чирокчи, Қўшработ туманлари аҳолисининг репродуктив соғлиги кўрсаткичлари анча орқада колган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкини, бу борадаги ишларимизнинг сўстлиги кундаки турмуш тарзимизда ҳар доим ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши, табии.

Ушбу сұхбатимиз юқорида келтирган фикрларимизни яна бир бор тасдиқлади, деб ўрайман. Зоро, соҳа мутахассислари яна нималар қилиш кераклигини бошқалардан кўра яхшири билишади.

**Насиба ЭРХОНОВА,
“Ma'rifat” мухбири**

БУНИ, АЛБАТТА, БИЛГИШ КЕРАК

ёхуд ўсмирларда репродуктив саломатлик тушунчаларини шакллантириш ҳай ахволда?

рекламалар мунтазам равишида на-
мойиш қиласиди. Шу йўл билан ахолини ижтимоий тарбиялашга ҳаракат қилишиади. Социологик сўровномалар, жамоатчилик кўрсат-
маларига кўра мазкур тутумнинг аввалидан иккича-марта самара-
ли жиҳатлари кузатилган. Бу – танлаш имконияти, кимнинг иродаси нимага етarkin? Айтмоқчиманки, репродуктив саломатлик хусусида-
ги гапларни “ют бўлади” дега яши-
рек ёхуд “хали ёшик қиласи” дега вакыт қиласи. Лекин беш кўл баравар эмаслигини яхши биламиш.

Якинда кўлимга хорижий давлат-да босиб чиқарилган рангли ҳамда сифатли иккита кўлланма тушиб қолди. Уларнинг бири жинсий ҳәёт, иккинчиси эса гиёхвандлик хусусида эди. Никоҳиз оила, унинг хеч қандай зарарсизлиги (!), хоҳланмаган ҳомилага қарши контрацептив мoddалар, улардан фойдаланиш усуллари, гиёхвандлик маддаларини ҳай тарзда тайёрлаш, қандай миқдорда қабул қилиш ёки кўллаш-

пар ҳисобга олиниб, таълим жараёнида ўкувчиларни оиласи ҳаётга тайёрлаш масаласи кўтарилиди. Унга Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги 2000 йил 15 июнда “Умумий ўрта таълим мусассалари” учун ўкув режани тасдиқлаш ҳақида”ги 111-сонли бўйрганинг тушунтириш хатидаги 12-банди бўйича Соғлини саклаш вазирлиги билан биргалиқда 1–4-синфлар учун “Саломатлик дарслари”, 5, 6, 7, 8-синфлар учун “Соғлом авлод асослари” дастури тайёрланди. Бундан сўнг шу ва шу доирада катор ишлар қилинди. Мазкур масала тўғрисида РТМ соғломлаштириш бўлими бошлиги Гўзал Солиҳова билан сўхбатлашдик.

— Ҳақиқатдан ҳам нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан дастлаб репродуктив саломатлик бўйича турли хил брошюралар тайёрланиб, тарқатилган. Лекин, ҳозирда шундай ташкилотлар нашр қиласидан ўтказилганларни иложи борида биз билан кенгашган ҳолда тайёрлашларига муваффақ бўляпмиз. Чунки, республикамиз таълим тизими миллий ва маънавий қадриятларимиз мезонидаги билимларга

синфда эса “Одам ва унинг саломатлиги” предмети таркибида ўтказилганини кетиши. Академик лицеи ва касбхунар коллежларида эса 2000 йил нашрдан чиқкан “Оила психологияси” 40 соатлик кўлланмасидан фойдаланилигит. Ушбу дастурлар бўйича мавзуларни қуий синфларда биolog ўқитувчилар шу йўналишида ма-
лака оширгандан сўнг, юқори синфларда эса тибиёт ходимлари ўтишини маъқул кўрганимиз. Чунки, бу жараёнда ўшшуҳрларга тушунчалар борилмаса, хатоликларга йўл қўйиши мумкин.

— **Яни, “нозик дарслар” де-
моқсиз?**

— Топдингиз. Бизда ҳозир энг катта муаммо бўлиб турган нарса, бу кадрлар масаласи. Репродуктив саломатлик йўналишидаги дарсларни кирадиган ҳар бир ўқитувчи-мута-
хассис балогатлик сирларини, жинсий ҳаёт тушунчаларини тўғри тушунтириб беришилар лозим. Чунки бундай тушунчаларни тўғри англаб етмаслик натижасида юзага келадиган салбий оқибатларни ҳаётий мисоллар билан далиллаб, илмий

Майнахон Вагапова, мусика раҳбарлари Каримахон Ҳасанова, Рисолатхон Ҳайдарова каби бир қанча тарбиячиларнинг ўз устида тинмай ишлами, болага кўрсатадиган гамхўрликлари туфайли ҳам мусассасимиз ўз мавқеини саклаб турбиди. Ҳар бир тарбиячи ўз исуслини танлаб олган. Улар биринкита йўналиш бўйича болалар малакасини ошириб бораведидар. Масалан, катта гурухларда меҳнатта ўргатиш машгулотлари кўпроқ ўтилса, кичик гурухларда навбатчилар, муро-
саю мадора деган, ўз-ўзига хизмат қилиши сингари кўнкимлар шакллантирилади. Муассасамиз психология ҳам бир бола алоҳида иш олиб боради. У илк ёшли гурухларга келган болаларнинг қобилиятини, қизиқишиларни, инжиқлиги ишлари кераклигини айтади...


Дарҳақиат, бола руҳияти шунақа бўлади. У янги ўрганган шеърини, биладиган барча нарсасини кимгандир айтгиси, кимдандин мактоб олгиси келади. Дуч келган хонага кирдим. Бу ерда ўн олти нафар болакай ёндиғина мусика машгулотидан чиқиб, ўз ўрнларига жойлаштирилган эканлар. Кичкунтойлардан: “Қани ким менга ўзи биладиган нарсаларни кўрсатиб беради” деб сўрадим. Жажхиж ўғил-кизчалар чуғулаша бошладилар. Бири Монтессори усулидаги машгулотлардан ўрганган, рангларни бир-биридан ахратиш учун мўлжалланган таҳтани олиб қизил рангни бир қаторга, сарикни яна бошқа қаторга тера бошлади, бири эса зоз турди-да, кўлларини кўксига кўйиб, ўзбекистон мадхиясини бошлади. Бир неча сонияндан сўнг барча болалар кўлларини кўксига кўйиб, мадхияга жўр бўлишиди.

Мен бу ҳолни изоҳлаб беришни сўраганимда, муассаса раҳбари М.Жабборова: “Бизнинг вазифамиз болани кун бўйи бу ерда ушлаб туриш, унинг қорнини тўйғазиши, ёзиш-чишини ўргатиш эмас, балки ўзбекона урф-одатларга, истиқолимизга, қадриятларимизга, давлат рамзларига ҳурмат ва эътиборли бўлишни ҳам сингдиришадир. Бу ўрта ёшлилар гурухи. Ҳозирдано ӯзлар мадхиямиз, гербимиз ва байробигимизнинг қадриятларимизга қабул қилинганингини, мадхиямиз музаллифлари кимлигини билишади. Мадхиямизга ҳурмат кўлни кўксига кўйиш билан ифодаланишини ҳам тушунишади”, деди.

Демак, муассасада тарбия олайтган, камол топаётган боялжонлар эртанинг ёрўз юлдузлари. Улар улайиб ота-оналири, тарбиячилари, элу юрт умидларини ушалиши учун ҳаракат киладилар, яшайдилар.

**Шарифахон МАДРАХИМОВА,
“Ma'rifat”нинг махсус мухбири**

Суратда: болалар боғчаси ҳаётидан лавҳа.



Bolalar bog'chalarida

